**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ**

**ҚАРАҚАЛПАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ МИНИСТРЛЕР КЕҢЕСИНИҢ ҚАРАРЫ**

Нукус шаҳри | Нөкис қаласы

№ 261 «18. апрел 2018 ж.й

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги "Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3667-сонли қарори ҳақида**

Мамлакатимизда 9 май умумхалқ байрами - Хотира ва Қадрлаш кунини кенг нишонлаш, Иккинчи жаҳон урушида фашизмга қарши курашишга ҳисса қўшган, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг хотирасини абадийлаштириш, барча фахрийларга ҳурмат кўрсатиш мақсадида:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги "Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3667-сонли қарори ижро учун раҳбарликка олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарори билан:

а) Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш Дастури (кейинги ўринларда - Дастур) 1-иловага мувофиқ маъқулланганлиги.

б) Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги.

в) Ишчи гуруҳ (А. Арипов)га:

Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг "Инсон қадри улуғ, хотира муқаддас", "Мардлик, бурч ва фидойилик" шиорлари остида юқори савияда ўтказилишини ташкил этиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг сифатли ўтказилишини таъминлаш ва жойларга чиқиб, Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга амалий ёрдам кўрсатиш;

Иккинчи жаҳон урушининг ҳар бир қатнашчисига, фронт орти меҳнат фахрийларига, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларининг оила аъзоларига моддий, маънавий ва бошқа турдаги ёрдамлар кўрсатиш мақсадида тегишли вазирлик ва идоралар, ташкилот ва ҳарбий қисмлар вакиллари бириктирилиши ҳамда ушбу тоифадаги шахсларни кутлаш ва кўнглини кўтариш мақсадида уларнинг яшаш жойига раҳбарларнинг ташрифини ташкил этиш;

ёлғиз ва кам таъминланган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг турар жойи ва уй хўжаликларини таъмирлаш, ободонлаштириш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш;

Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш давомида Иккинчи жаҳон уруши ва фронт орти меҳнат фахрийлари, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари кўрсатган матонат, мардлик ва жасоратнинг аҳамиятини кенг аҳоли тоифалари, айниқса, ёшлар ўртасида тушунтириш, тарғиб ва ташвиқ этиш бўйича маданий-маърифий ва ватанпарварлик йўналишидаги тадбирлар ўтказилишини ташкил қилиш;

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан бир марталик пул мукофотини тантанали равишда топшириш;

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг истаклари асосида улар ўзлари жанг қилган мамлакатларга бир нафар кузатувчи билан сафарини ташкил этиш ҳамда ушбу сафар билан боғлиқ барча харажатлар қопланишини таъминлаш;

Иккинчи жаҳон уруши фахрийларининг истаклари асосида Ялта ва Кисловодск шаҳарларидаги "Ўзбекистон" ҳамда республика ҳудудидаги бошқа санаторийларга бир нафар кузатувчиси билан бирга бепул юборишни ташкил этиб, уларни зарур авиа ва темир йўл чипталари билан таъминлаш;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги белгиланган жойларда Иккинчи жаҳон уруши вақтидаги ҳарбий техникалар намойишини ташкил этиш;

Ғалабага ўз ҳиссасини қўшган, Ватанимиз мустақиллиги учун жонини, куч-қувватини аямаган ҳар бир фахрий, ҳар бир киши хотираси абадийлаштирилишини, уларга муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатилишини таъминлаш топширилганлиги.

г) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, "Нуроний" жамғармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан биргаликда:

вилоят, шаҳар ва туманларда Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чикиш ва амалга ошириш;

Иккинчи жаҳон уруши вақтидаги композициялар инсталляцияси, жумладан, уруш йилларининг қўшиқ ва куйлари, дастурхон тузаш ва тегишли шароитлар яратиш билан боғлиқ тадбирларни ташкил этиш;

кўча ва майдонларни Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган плакатлар ва стендлар билан безашни таъминлаш топширилганлиги;

д) Ўтказиладиган Дастур тадбирлари ҳамда мамлакатимизнинг турли ҳудудида истиқомат қилувчи Иккинчи жаҳон уруши ва фронт орти меҳнат фахрийлари вакилларини Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган асосий маросимларга темир йўл ёки автомобиль транспортида келиб-кетиши, меҳмонхоналарда жойлашиши, овқатланиши, маданий ҳордиқ чиқариши билан боғлиқ харажатлар, шунингдек, зарур ҳолларда тегишли кийим-кечак билан таъминланиши:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда ҳомийлик хайриялари ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланиши белгилаб қўйилганлиги;

е) Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тошкент шаҳрида 2018 йил 9 май соат 21.00 да Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган байрам салютини ташкил қилиш.

ж) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тадбирлар ўтказиладиган жойларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш.

з) Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, "Дунё" ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган тадбирларнинг кенг ёритилишини, тематик тадбирлар, телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришларнинг ташкил этилишини таъминлаш топширилганлиги маълумот учун қабул этилсин.

3. Хотира ва қадирлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича чора-тадбирлар дастури 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Туманлар ва Нукус шаҳар ҳокимликлари Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлиги, Мудофаа ишлар бошқармаси, Ички ишлар вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, Касаба уюшмалари Федерацияси, Маънавият ва маърифат маркази, "Нуроний" жамғармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Ёшлар иттифоқи Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши билан биргаликда:

Нукус шаҳар ва туманларда Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиксин ва амалга оширсинлар;

Иккинчи жаҳон уруши вақтидаги композициялар инсталляцияси, жумладан, уруш йиллари қўшиқ ва мусиқалари, дастурхон тузаш ва тегишли шароитлар яратиш билан боғлиқ тадбирларни ташкил этсинлар;

кўча ва майдонларни Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган плакат ва стендлар билан безашни таъминласинлар.

6. Белгилаб қўйилсин, ўтказиладиган байрам тадбирлари ҳамда республикамизнинг турли ҳудудида истиқомат қилувчи Иккинчи жаҳон уруши ва фронт орти меҳнат фахрийлари вакилларини Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган маросимларга темир йўл ёки автомобиль транспортида келиб-кетиши, меҳмонхоналарда жойлашиши, овқатланиши, маданий ҳордиқ чиқариши ҳамда зарур ҳолларда кийим-кечак билан таъминланиши:

Нукус шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетлари ҳамда ҳомийлик хайриялари ҳисобидан қопланади.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (А.Темирханов), Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаси (С.Мадреймов) тадбирлар ўтказиладиган жойларда жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминласинлар.

8. Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпанияси (К.Нагметов), Матбуот ва ахборот агентлиги (А.Бекмуратов) ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Хотира ва Қадрлаш куни ўтказилишига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Қорақалпоғистон Республикаси**
**Вазирлар Кенгашининг Раиси** **Қ.Сариев**

UMUMIY BO'LIM
ULIWMA BO'LIM

Вазирлар Кенгашининг
2018 йил «18» апрелдаги
261-сонли қарорига
1-илова

# Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича чора-тадбирлар ДАСТУРИ

| № | Чора-тадбирлар | Муддати | Масъул ташкилотлар |
|---|---|---|---|
| | **I. Ташкилий-амалий тадбирлар** | | |
| 1. | Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида, туманлар ва Нукус шаҳри ҳокимликларида ташкилий қўмитасини тузиш. | 20 апрель | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, туманлар ва Нукус шаҳри ҳокимликлари, ШГҲО, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, ЎР Миллий гвардияси ҚР бошқармаси, ФВБ, МК "Ватанпарвар" ташкилоти, нодавлат нотижорат ташкилотлари. |
| 2. | Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, фронт орти меҳнат фахрийлари, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг тўлиқ рўйхатини шакллантириш ва уларга моддий ва бошқа зарурий ёрдам кўрсатиш мақсадида уларни вазирликлар, идоралар, бошқа ташкилотлар ва ҳарбий қисмларга бириктириш. | 21 апрель | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, туманлар ва Нукус шаҳри ҳокимликлари, ШГҲО, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, ЎР Миллий гвардияси ҚР бошқармаси, ФВБ, МК "Ватанпарвар" ташкилоти, нодавлат нотижорат ташкилотлари |
| 3. | Хотира ва Қадрлаш кунини Нукус шаҳри ва туманлар марказларида, барча шаҳарлар ва туманларда "Инсон қадри улуғ, хотира муқаддас", "Мардлик, бурч ва садоқат" шиорлари остида юқори савияда ўтказишга қаратилган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар режасини тасдиқлаш ва амалга ошириш. | 20 апрель<br>10 май | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Нукус шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, ШГҲО, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, ЎР Миллий гвардияси ҚР бошқармаси, ФВБ, МК "Ватанпарвар" ташкилоти, "Нуроний" жамғармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҚР Кенгаши, Хотин-қизлар қўмитаси, нодавлат нотижорат ташкилотлар |
| 4. | Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган тадбирларга Қорақалпоғистон Республикасидан иштирок этадиган Иккинчи жаҳон уруши фахрийлари рўйхатини тузиш. | 25 апрель | Туманлар ва Нукус шаҳри ҳокимликлари, ШГҲО, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, ФВБ, МК "Ватанпарвар" ташкилоти, "Нуроний" жамғармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди , Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҚР Кенгаши, Хотин-қизлар қўмитаси, нодавлат нотижорат ташкилотлари. |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 5. | Нукус шахри ва туманлар марказларида - "Мотамсаро она" монументлари пойига гул қўйиш маросимини ташкил этиш. | 7-9 май | Туманлар ва Нукус шахри хокимликлари, ШГХО, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, ЎР Миллий гвардияси ҚР бошқармаси,ФВБ, ББ, МК "Ватанпарвар" ташкилоти, нодавлат нотижорат ташкилотлари. |
| 6. | Вазирликлар ва идоралар рахбарлари, Нукус шахар ва туманлар хокимлари хамда харбий округ, қисм ва муассасалар, мудофаа ишлари бошқармаси ва бўлимлари, "Нуроний" жамғармаси, "Махалла" хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон ёшлар иттифоки ҚР Кенгаши, Хотин-қизлар қўмитаси рахбарларининг Иккинчи жахон уруши иштирокчилари, мехнат фронти фахрийлари, мустакиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида халок бўлган харбий хизматчилар ва хукукни мухофаза қилиш органлари ходимларини кутлаш ва кўнглини олиш мақсадида уларнинг яшаш жойига шахсан ташрифини ташкил этиш. | Май ойи | Туманлар ва Нукус шахри хокимликлари, ШГХО, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, ЎР Миллий гвардияси ҚР бошқармаси, ФВБ, МК "Ватанпарвар" ташкилоти, "Нуроний" жамғармаси, "Махалла" хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон ёшлар иттифоки ҚР Кенгаши, Хотин-қизлар қўмитаси, нодавлат нотижорат ташкилотлари. |
| 7. | Иккинчи жахон уруши қатнашчилари иштирокида Хотира ва Қадрлаш кунини нишонлаш бўйича асосий байрам тадбирини ўтказиш жойини аниклаш.<br>Асосий байрам тадбирида қатнашадиган мамлакатимизнинг турли худудида истиқомат қилувчи уруш ва мехнат фахрийлари вакилларининг (хар бир худуддан 20-50 киши) рўйхатини шакллантириш хамда уларнинг темир йўл ёки автомобиль транспортида пойтахтга келиб-кетиши, мехмонхоналарда жойлашиши, овкатланиши, маданий-хордиқ чиқариши хамда зарур холларда кийим-кечак билан таъминланишини ташкил этиш. | 5-10 май | Туманлар ва Нукус шахри хокимликлари, ШГХО, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, ЎР Миллий гвардияси ҚР бошқармаси, ФВБ, МК "Ватанпарвар" ташкилоти, "Нуроний" жамғармаси, "Махалла" хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон ёшлар иттифоки ҚР Кенгаши, Хотин-қизлар қўмитаси, Касаба уюшмалари федерацияси, нодавлат нотижорат ташкилотлари. |
| 8. | Туманлар ва Нукус шахрида Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган маданий-маърифий тадбирларни ўтказиш мақсадида таниқли фан арбоблари, ижодкорлар, ёзувчилар, журналистлар, маданият ва санъат ходимлари, спортчилар, Мудофаа вазирлиги хузуридаги Жамоатчилик Кенгаши аъзоларидан иборат ташвиқот-тарғибот ва ижодий гурухларни тузиш. | 18 апрель | Туманлар ва Нукус шахри хокимликлари, ШГХО, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, ФВБ, МК "Ватанпарвар" ташкилоти, "Нуроний" жамғармаси, "Махалла" хайрия жамоат фонди, Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, МВ хузуридаги жамоатчилик кенгаши ҚР бўлими, Журналистлар уюшмаси. |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 9. | Умумтаълим мактаблари ўкувчиларининг 9 май - Хотира ва Қадрлаш куни арафасида ҳарбий қисмларга ташрифини уюштириш ва у ерда ҳарбий-ватанпарварлик ўйинларини ташкил этиш. | 1-9 май кунлари | Нукус шахар ва туманлар ҳокимликлари. ШГХО. ҚР Халқ таълими вазирлиги. Ўзбекистон ёшлар иттифоки ҚР Кенгаши |
| 10. | Нукус шахридаги белгиланган жойларда Иккинчи жахон уруши вактидаги ҳарбий техникалар намойишини ўтказиш. | 7-9 май | Нукус шахар ва туманлар ҳокимликлари. ШГХО. Ички ишлар вазирлиги. Миллий гвардия ҚР бошкармаси. ФВБ |
| 11. | Иккинчи жахон уруши фахрийларини Ялта ва Кисловодск шахарларидаги "Ўзбекистон" ҳамда республика ҳудудидаги бошка санаторийларга бепул юборишни ташкил этиш. | Йил давомида | ҚР Касаба уюшмалари бирлашмаси. Нукус шахар ва туманлар ҳокимликлари. ШГХО. Ички ишлар вазирлиги. ФВБ. "Ватанпарвар" ташкилоти. "Нуроний" жамғармаси. "Махалла" хайрия жамоат фонди. Ўзбекистон ёшлар иттифоки ҚР Кенгаши. Хотин-кизлар қўмитаси. нодавлат нотижорат ташкилотлари |
| 12. | Уруш катнашчиларининг ўзлари жанг килган мамлакатлар ҳудудларига сафарини ташкил этиш ҳамда сафар билан боғлик барча харажатлар копланишини таъминлаш. | йил давомида | Нукус шахар ва туманлар ҳокимликлари. ШГХО. Ички ишлар вазирлиги. ФВБ. "Ватанпарвар" ташкилоти. "Нуроний" жамғармаси. "Махалла" хайрия жамоат фонди. Ўзбекистон ёшлар иттифоки ҚР Кенгаши. Хотин-кизлар қўмитаси. ҚР Касаба уюшмалари бирлашмаси. нодавлат нотижорат ташкилотлари |
| | **II. Маданий-маънавий тадбирлар** | | |
| 13. | Уруш ва меҳнат фахрийлари. мустакиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳар бир ҳарбий ва ҳуқуқни муҳофаза килиш органлари ходими ҳакида очерк ва маколалар тайёрлаш.<br>Уларни оммавий ахборот воситаларида эълон килиш.<br>Махсус китоб-тўпламлар сифатида чоп этиш. | апрель – июнь | Нукус шахри ва туманлар ҳокимликлари. ШГХО. Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ. Миллий гвардия ҚР бошкармаси. ФВБ. МК "Ватанпарвар" ташкилоти. "Нуроний" жамғармаси. "Махалла" хайрия жамоат фонди. Ёзувчилар уюшмаси. Республика Маънавият ва маърифат маркази. МВ ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши ҚР бўлими. Журналистлар уюшмаси бошка нодавлат нотижорат ташкилотлари. ҚҚтелерадиокомпанияси. Матбуот ва аборот агентлиги. республика ОАВ. |
| 14. | Олий таълим муассасалари. академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари. умумтаълим мактабларида уруш ва меҳнат фахрийлари иштирокида ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги фильмлар ва лавҳалар намойиш этиладиган "Мардлик ва жасорат" дарсларини ташкил этиш ва ўтказиш. | апрель - май | Туманлар ва Нукус шахри ҳокимликлари. ШГХО. Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ. ФВБ. Халқ таълими вазирлиги. Ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошкармаси. Олий таълим муассасалари. Ўзбекистон ёшлар иттифоки ҚР Кенгаши. МК "Ватанпарвар" ташкилоти. "Нуроний" жамғармаси. "Махалла" хайрия жамоат фонди. Ёзувчилар уюшмаси. Республика |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | Маънавият ва маърифат маркази. МВ хузуридаги жамоатчилик кенгаши КР бўлими. Журналистлар уюшмаси. нодавлат нотижорат ташкилотлари. |
| 15. | Ёшлар ташкилотларида уруш катнашчилари. мехнат фронти фахрийлари. харбий хизматчилар ва хукукни мухофаза килиш органлари ходимлари билан "Қахрамонлик. бурч ва фидойилик" хамда "Аждодларни хотиралаш - мукаддас кадрият" шиорлари остида учрашувлар ўтказиш. | 20 апрель 10 май | Ўзбекистон ёшлар иттифоки КР Кенгаши. ШҒХО. Ички ишлар вазирлиги. ФВБ. нодавлат нотижорат ташкилотлари |
| 16. | ШҒХО харбий оркестри. КР ИИВ оркестри. КР Маданият вазирлиги тасарруфидаги бадиий жамоаларнинг шахар ва туманларда ахоли дам олиш масканлари. хиёбонларда "Хотира азиз - кадр мукаддас" номли концерт дастурлари намойишини ташкил этиш. | 20 апрель 10 май | ШҒХО. Ички ишлар вазирлиги. ФВБ. Миллий гвардия КР худудий бошкармаси. КР Маданият вазирлиги |
| 17. | Уруш ва мехнат фахрийлари хамда мустакиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида халок бўлган харбийлар ва хукукни мухофаза килиш органлари ходимларининг кабрларини ободонлаштириш. | апрель май | Туманлар ва Нукус шахри хокимликлари. ШҒХО. Қоракалпоғистон Республикаси ИИВ. ФВБ. Халк таълими вазирлиги.Ўрта махсус касб-хунар таълими бошкармаси. Ўзбекистон ёшлар иттифоки КР Кенгаши. МК "Ватанпарвар" ташкилоти. "Нуроний" жамғармаси. "Махалла" хайрия жамоат фонди. Ёзувчилар уюшмаси. Республика Маънавият ва маърифат маркази. МВ хузуридаги жамоатчилик кенгаши КР бўлими. Журналистлар уюшмаси. нодавлат нотижорат ташкилотлари. |
| 18. | Шахар ва туман марказларида Иккинчи жахон уруши ва фронт орти мехнат фахрийларининг бевосита иштирокида Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган тадбир ва зиёфатларни ташкил этиш.<br>Уларда. Иккинчи жахон уруши вактидаги композициялар инсталляцияси. жумладан. уруш йиллари кўшик ва мусикалари. дастурхон тузаш ва тегишли шароитлар яратиш билан боғлик тадбирларни ташкил этиш. | 20 апрель 10 май | Туманлар ва Нукус шахри хокимликлари. ШҒХО. Қоракалпоғистон Республикаси ИИВ. ФВБ. Маданият вазирлиги Олий таълим муассасалари. "Камолот" ЁИХ. МК "Ватанпарвар" ташкилоти. "Нуроний" жамғармаси. "Махалла" хайрия жамоат фонди. Ёзувчилар уюшмаси. Республика Маънавият тарғибот маркази. МВ хузуридаги жамоатчилик кенгаши КР бўлими. Касаба уюшмалари федерацияси. нодавлат нотижорат ташкилотлари. |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 19. | Қорақалпоғистон Телерадиокомпанияси телеканалларида намойиш этишга мўлжалланган ва Хотира ва Қадрлаш кунининг маъно-моҳиятини очиб берувчи ҳамда Ватанимизнинг ҳар томонлама равнақ топиши, бугунги тинч ва осойишта кунлар учун жонини фидо қилган аждодларнинг муқаддас хотирасини ёд этиш, кексаларни эъзозлаш одамийликнинг энг олий мезони эканлигини акс эттирувчи видеороликларни тайёрлаш ва намойиш этиш. | 18 апрель 10 май | ҚР Телерадиокомпанияси, ШҲХО, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши ҚР бўлинмаси, Миллий гвардия ҚР ҳудудий бошқармаси, Ички ишлар вазирлиги, ФВБ |
| 20. | Қорақалпоғистон Телерадиокомпанияси телеканалларида "Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган ҳужжатли ва бадиий фильмларни эфирга узатиш, махсус кўрсатувлар ва ток-шоулар ташкил этиш. | 18 апрель 15 май | ҚР Телерадиокомпанияси, "Қорақалпоқ кино", ШҲХО, Ички ишлар вазирлиги, ФВБ |
| 21. | Қорақалпоғистон Телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларида 9 май умумхалқ байрами - Хотира ва Қадирлаш куни ўтказилишига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни ёритиш. | 18 апрель 10 май | ҚР Телерадиокомпанияси, ҚР Матбуот ва ахборот агентлиги, ШҲХО, Миллий гвардия ҚР ҳудудий бошқармаси, Ички ишлар вазирлиги, ФВБ |
| 22. | Умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида "Тинчлик - бебаҳо неъмат" мавзусида иншолар ўтказилишини таъминлаш. | апрель – май | ҚР Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб ҳунар таълим бошқармаси, Нукус шаҳар ва туманлар ҳокимликлари |
| **III. Иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари, меҳнат фронти фахрийлари, хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари оилаларининг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш йўналишидаги тадбирлар** | | | |
| 23. | Иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари, фронт орти меҳнат фахрийлари, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари оилалари аъзоларини имтиёзли равишда ҳарбий госпитал ва бошқа тиббиёт муассасаларида даволаш ва бепул дори воситалари билан таъминлаш. | 20 апрель 10 май | ҚР ССВ, ШҲХО, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, ФВБ, "Нуроний" жамғармаси ва "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Касаба уюшмалари федерацияси, Нукус шаҳар ва туманлар ҳокимликлари |
| 24. | Ёлғиз ва кам таъминланган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини турар жойи ва уй хўжаликларини таъмирлаш, ободонлаштириш ҳамда ўз уй-жойига эга бўлмаганларга турар-жой ажратиш. | 20 апрель 10 май | Туманлар ва Нукус шаҳри ҳокимликлари, ШҲХО, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, ФВБ. |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 25. | Ёшлар, махаллалар фаоллари ва касаба уюшмалари вакиллари томонидан Иккинчи жахон уруши иштирокчилари, мехнат фронти фахрийлари, мустакиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чогида халок бўлган харбий хизматчилар ва хукукни мухофаза килиш органлари ходимлари оилаларига ташриф буюриш, уларга максадли моддий-маънавий ёрдам кўрсатиш. | 20 апрель 15 май | Ўзбекистон ёшлар иттифоки КР Кенгаши, Касаба уюшмалари бирлашмаси, Хотин-кизлар кўмитаси, ШГХО, Миллий гвардия КР худудий бошкармаси, Ички ишлар вазирлиги, ФВБ |
| 26. | Иккинчи жахон уруши ва мехнат фронти ногиронлари, мустакиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чогида соглигини йўкотган харбий хизматчилар ва хукукни мухофаза килиш органлари ходимларига максадли ёрдам кўрсатиш, уларни протезлар, ногиронлар аравачалари ва бошка зарур тиббий асбоб-анжомлар билан таъминлаш. | 20 апрель 15 май | КР Согликни саклаш вазирлиги, ШГХО, Ички ишлар вазирлиги, ФВБ, Касаба уюшмалари бирлашмаси, Фармацевтика сохасини ривожлантириш агентлиги КР бўлими, "Нуроний" жамгармаси, "Махалла" хайрия жамоат фонди |
| 27. | Иккинчи жахон уруши катнашчилари ва ногиронларига Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан бир марталик пул мукофотини тантанали равишда топшириш. | 9 майга кадар | Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, туманлар ва Нукус шахри хокимликлари, ШГХО, Коракалпогистон Республикаси ИИВ, ФВБ, МК "Ватанпарвар" ташкилоти, "Нуроний" жамгармаси, "Махалла" хайрия жамоат фонди, "Камолот" ЁИХ , Хотин-кизлар кўмитаси, Касаба уюшмалари федерацияси, нодавлат нотижорат ташкилотлари. |

UMUMIY BO'LIM
ULIWMA BO'LIM

Вазирлар Кенгашининг
2018 йил «28» апрелдаги
261 -сонли қарорига
2-илова

**Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи таркиби**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1. | К.Сариев | - | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, ишчи гуруҳ раҳбари |
| 2. | М.Жуманов | - | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари, ишчи гуруҳ раҳбарининг ўринбосари |
| 3. | З.Ибрагимова | - | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши ҚР минтақавий бўлинмаси раиси |
| 4 | Лавозими бўйича | - | Шимоли-ғарбий ҳарбий округи ҳодими (келишув асосида) |
| 5. | Лавозими бўйича | - | Қорақалпоғистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими (келишув асосида) |
| 6. | А.Мадиев | - | Чегара қўшинлари 9202-сонли ҳарбий қисм командири |
| 7. | А.Темирханов | - | Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири |
| 8 | С.Мадреймов | - | ЎР Миллий гвардияси ҚР ҳудудий бошқармаси бошлиғи |
| 9. | Б.Бегабаев | - | Қорақалпоғистон Республикаси мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи |
| 10. | Н.Танирбергенов | - | Қорақалпоғистон Республикаси фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи |
| 11. | М.Садиков | - | Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазири |
| 12. | К.Кайпнбеков | - | Қорақалпоғистон Республикаси Ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи |
| 15 | А.Аяпов | - | Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири |
| 16. | Н.Айтмуратов | - | Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазири |
| 17. | У.Жалменов | - | Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси |
| 18. | К.Наметов | - | Қорақалпоғистон Республикаси Телерадиокомпанияси директори |
| 19. | А.Бекмуратов | - | Қорақалпоғистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлиги директори |
| 20. | К.Разбеков | - | Ўзбекистон Республикаси "Ватанпарвар" ташкилоти ҚР кенгаши раиси |
| 21. | К.Юсупов | - | ҚР Маънавият ва маърифат маркази раҳбари |
| 22. | Ш.Усенатдинов | - | "Нуроний" фонди Қорақалпоғистон бўлими раҳбари |
| 23. | Г.Романов | - | "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҚР бўлими раиси |
| 24. | А.Данияров | - | Ўзбекистон Республикаси ёшлар иттифоқи ҚР Кенгаши раиси |
| 25. | К.Каримов | - | Қорақалпоғистон Республикаси ёзувчилар уюшмаси раиси |
| 26. | Н.Мухаммеддинов | - | Қорақалпоғистон Республикаси бастакорлар уюшмаси раиси |
| 27. | К.Реимов | - | Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмасининг Қорақалпоғистон бўлими раҳбари |
| 28. | К.Реймов | - | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг котибият бошлиғи, ишчи гуруҳ котиби |

UMUMIY BO'LIM
ULIWMA BO'LIM